



**БАНКИ БУДУТ
ОФОРМЛЯТЬ
ЛЪГОТНЫЕ
КРЕДИТЫ ДЛЯ
УЧЁБЫ НА ИТ-
КУРСАХ**
5-стр.



**6G
СОҒЛИҚ
УЧУН
ФЙДАЛИМИ?**
6-бет.



**3D ДИЗАЙНЕР:
ТЕНГДОШЛАРИНГ
ТИКТОКДА
ЎТИРГАНДА, СЕН
ФРИЛАНСЕРЛИКДАН
БОЙИБ КЕТИШИНГ
МУМКИН!**
8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Xabar


ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**33 (1559)-son
19-avgust
2022**

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz



BOLALARNI
QO'LLAB-QUVVATLASH
JAMOA'T FONDI

Yagona integrator UZINFOCOM yangi
elektron platformani yaratdi
bolalarfondi.uz

UZINFOCOMдан янги электрон платформа

“Ягона integrator UZINFOCOM” МЧЖ bolalarfondi.uz электрон платформасини яратиб, Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондига бегараз фойдаланиш учун тақдим этди.

Тизим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги 5255-қарори ижросини (8-банд) таъминлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унда жамоат фондидан маблағ олувчилар тўғрисидаги маълумотларни уларнинг шахсини ошкор қилмасдан (ёши, жинси, ижтимоий маъқеи, молиялаштириш манбалари) расмий эълон қилиш имконияти назарда тутилган.

Платформа доимий равишда такомиллаштирилмоқда ва ҳозирги кунда юз фоиз шаффофлик, маблағлар тақсимланишининг мақсадга мувофиқлиги устидан назоратга эришилган.

Онлайн-савдо (ТОП-10)

Умумий чакана савдоларда электрон тижорат чакана савдоларининг улуши (фоизда) юқори мамлакатлар.

1. Хитой – 45,3 фоиз
2. Буюк Британия – 35,9 фоиз
3. Жанубий Корея – 30,1 фоиз
4. Индонезия – 28,1 фоиз
5. Сингапур – 17,2 фоиз
6. АҚШ – 15,0 фоиз
7. Россия – 14,6 фоиз
8. Канада – 13,6 фоиз
9. Япония – 12,9 фоиз
10. Мексика – 12,4 фоиз



Манба: Statist

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ



ШУ КУНЛАРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ NYATT REGENCY TASHKENT МЕҲМОНХОНАСИДА ЎЗ-БЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙ-ЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН “ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҲАФТАЛИГИ” БЎЛИБ ЎТМОҚДА. УНДА ВАЗИРЛИК ВА ТАШКИЛОТЛАР ХОДИМЛАРИ, СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ВАКИЛ ВА ХОДИМЛАРИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТЯПТИ.




IT-таҳлил

ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИ МИКРОСХЕМАЛАРга ҚАРАБ ҚОЛГАН

Ҳозирги техника ва технологияларни, қайси соҳада бўлмасин, ярим ўтказгичларсиз, микрочипларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу ҳолатга биз бир муддат аввал ўзимизнинг автосаноатда ҳам гувоҳ бўлдик. Микрочиплар етказиб бериш занжири тўхтаб қолгани учун харидорлар буюртма берган машиналарини вақтида ололмади қолди. Хуллас, 2020 йилда бошланган ярим ўтказгичлар етишмовчилиги, мана, икки йилдан буён давом этмоқда.

2019 йил бошланган пандемия ҳамон давом этиши шароитида дунё иқтисодиёти маълум қийинчиликларни бошдан ўтказди: ишлаб чиқариш объектлари ёпилди, одамлар уйда ўтириб қолди. Натижада бошқа маҳсулотлар қатори ярим ўтказгичлар етказиб бериш занжирида ҳам узилиш пайдо бўлди. Қола-



верса, Украина инқироzi, АҚШ билан Хитой ўртасидаги савдо уруши ва кескинлик, табиий офатлар, инсофсиз воситачилар ва бошқа кўплаб глобал муаммолар ярим ўтказгичлар билан боғлиқ танглик давомли бўлишидан дарак бермоқда.





Жумадан
жумагача

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти ва йирик sanoat лойиҳалари билан танишиш мақсадида 12 август куни Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қурилиш соҳаси ходимлари куни муносабати билан табрик хати йўллади. Унда Давлатимиз раҳбари “Қўлингиз ҳеч қачон дард кўрмасин, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азиз бунёдкорлар!” дея эзгу тилак билдирган.

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ўттиз учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда “Қорақалпоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий дастури ижроси юзасидан Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳисоботи тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

15 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қўламли стратегик шериклик муносабатларини янада мустақкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас масжид ходими – Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан 17–18 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташриф дастурига мувофиқ Жидда шаҳрида олий даражадаги Ўзбекистон–Саудия саммитининг асосий тадбирлари бўлиб ўтди. Саудия Арабистонига давлат ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари барча мусулмонлар учун муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзоланган “Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустақкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АКТ СОҲАСИГА ОИД ЯНГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

“ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ (ПҚ–350–СОН, 12.08.2022 Й.) ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ҚАРОРГА МУВОФИҚ 2022 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎҚУВ КУРСЛАРИДА ЁШЛАРНИНГ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА ЎҚИШИ УЧУН ТАЪЛИМ КРЕДИТИ АЖРАТИШ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ.

Бунда таълим кредитлари:

– Марказий банкнинг асосий ставкасида (15 фоиз);

– БҲМнинг 65 бараваригача 1 йиллик имтиёзли давр билан 4 йил муддатга ажратилади;

– “Ижтимоий химоя ягона реестри”га кирган оилалар фарзандлари учун таълим кредити олишда гаров ва кафилилик талаб этилмайди.

2022 йил 1 ноябрдан IT-Парк резиденти бўлган ташкилотларнинг ўқув курсларида тахсил олаётган ёки ушбу ўқув курсларини сўнги 6 ойда муваффақиятли тамомлаган ёшларга компьютер харид қилиш учун БҲМнинг 25 бараваригача (7,5 млн. сўмгача) истеъмол кредитлари ажратилади.

Бунда истеъмол кредитлари бўйича фоиз тўловларининг Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваригача қисми ёшларга оид давлат сийсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан компенсация қилинади.



ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ҳафталик доирасида “Давлат харидлари, биржа масалалари ҳамда тадбиркорлик соҳасида рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов иштирок этиб, нутқ сўзлади.

– Давлатимиз раҳбари дастлабки йиллардан бошлаб

тадбиркорлар билан доим мулоқотда бўлиш ва улар билан ишлаш вазифасини олдимизга қўйган эди, — деди жумладан Ш.Шерматов. – 2017 йилда IT соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар киритиб, ушбу соҳани ривожлантиришни мақсад қилган эдик. Ҳозирда биз учун катта имкониятлар мавжуд. Мисол учун, 2017 йилда тахминан 600 миң доллар экспорт қилинган бўлса, жорий йилда 100 млн. долларга етказишни режа қилганмиз. Асосий мақсадимиз Ўзбекистонни минтақавий IT ҳабга айлантириш. Шу мақсадда Давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан учрашиб, ушбу соҳани янада ривожлантириш ва экспорт ҳажмини ошириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятингизда сизларга қўшимча қулайликлар яратиш борасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мурожаат ва ҳар қандай таклифлар учун ҳамisha очикмиз, сизларни қўллаб-қувватлашга тайёرمىз.

Учрашув давомида тадбиркорлар дуч келаётган муаммолар ва ўзларини қизиқтирган саволларга масъуллар томонидан қўшимча маълумотлар берилди.



НАВОИЙ ШАҲРИДА IT-ПАРКНИНГ ФИЛИАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ Н.ТУРСУНОВ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ВА ЁШ ДАСТУРЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ.

Учрашувда энг асосий масала сифатида Навоий шаҳри марказида замон талабларига тўла жавоб берадиган IT-Паркнинг филиалини ташкил этиш ҳамда ёш дастурчиларни бир жойга жамлаш учун қулай шарт-шароит яратиш бериш имкониятлари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Навоий шаҳридаги Рақамли технологиялар ўқув маркази фаолияти ҳамда у ердаги ўқувчи ва ўқитувчилар билан қўйиндан суҳбатлашиб, яратилган қулайликлар ҳамда мавжуд муаммолар тўғрисида

фикр алмашилди.

Вилоят ҳокими Навоий шаҳридаги дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи SOFTEX корхонасининг меҳнат жамоаси ва улар томонидан тақдим этилган IT стартап лойиҳалар билан яқиндан танишди. Хусусан, ушбу корхонадаги 30га яқин ёшлар томонидан ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар, иш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган аппарат-дастурий таъминот ҳамда компьютер сервис хизматларини кўрсатиш бўйича тақдимотлар ўтказилди.

Учрашув сўнгида ёш дастурчилар томонидан ўзларининг қизиқишлари ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган устувор лойиҳалари ҳақида маълумотлар берилди.



INNOWEEK-2022

БУХОРО ШАҲРИДА 16–17 ИЮЛ КУНЛАРИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ, ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ ОФИСИ, БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН “INNOWEEK-2022” ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



Тадбиркорларни, ишбилармон ва ёш олимларни, стартап эгаларини битта майдонга тўплаш, улар учун имкониятлар яратиш, лойиҳалар ривожига кўмакчи бўлиш мақсад қилинган мазкур кўргазма Бухоро шаҳар Ёшлар маркази биносидан икки кун давомида ўтказилди ва унда олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари, тадбиркорлик, стартап корхоналари томонидан 110дан ортиқ инновацион ишланмалар, технологиялар ва маҳсулотлар намойиш этилди.

Кўргазма доирасида қиймати 1,0 млрд. сўмдан зиёд 11та шартнома имзоланди. Шунингдек, кўргазма доирасида вилоятдаги иқтидорли ёшларни қамраб олиб, уларнинг инновацион лойиҳаларини рағбатлантиришга қаратилган Technoways технологик ривожланиш марафони ҳам ўтказилди. Худуддаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, инновацион лойиҳаларни кўпайтириш ва ривожлантиришга қаратилган марафонда жами 45 нафар иқтидорли ёшлар ўз инновацион ғоялари ва ишланмалари билан иштирок этди. Саралаб олинган энг яхши учта лойиҳа сўнги русумдаги ноутбук ва 3D принтерлар билан рағбатлантирилди.

Кўргазма тадбиркорлар учун янги лойиҳалар билан танишиш, маҳсулотларни ривожлантириш ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришда катта имкониятлар майдони бўлиб хизмат қилди.

Ҳамкорлик

ТАТУ ПРОФЕССОРЛАРИ АВСТРИЯЛИК ЁШ ОЛИМЛАРГА ИЛМИЙ РАҲБАРЛИК ҚИЛАДИ

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида Австриянинг Клагенфурт университети профессори Жан Чамберлаин Чеджоу ва унинг рафиқаси Мария билан учрашув бўлиб ўтди. Унда филиал директори Зайниддин Қаршиев, директор ўринбосарлари, кафедра мудири ва бўлим бошлиқлари қатнашди.

Учрашувда ТАТУ ҳамда Клагенфурт университетлари ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига асосан қўшма магистратура дастурида ўқиш учун талабаларни бир йилга Клагенфурт университетига юбориш бўйича тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди.

Шартномага кўра, профессор Жан Чамберлаин Чеджоунинг ТАТУ ва унинг филиалларидан танлаб олинган магистрант



ҳамда докторантларга “Динамик тизимлар” фанидан бошланғич билим беришини ташкиллаштириш ҳамда унинг бошқа филиалларга ҳам бориши режалаштирилган.

Кафедра мудири Клагенфурт университетининг магистратура ва фалсафа докторлари (PhD) бошқичларида тахсил олаётган талабаларга ТАТУдан илмий раҳбарлар тайинлаш (co-tutor) амалиётини, ТАТУ ва унинг

филиал профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш стратегияларини муҳокама қилишди.

Ушбу ҳамкорлик юқори сифатли кўп тармоқли ишларни (SCOPUS индексланган мақолалар) нашр этишга ёрдам беради.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали
матбуот котиби

Манфаатли келишув

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ СОҲАСИДА СИНГАПУР ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛАДИ

Электрон ҳукумат марказига Сингапур Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси (Қароргоҳи Сингапурда) Зулқифли Баҳарудин ташриф бурди.

Мартабали меҳмон Ўзбекистонда Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан таништирилди. Элчи мамлакатимизда АКТ соҳасида эришилаётган ютуқларни ижобий қайд этди. Сингапур тажрибасидан келиб чиқиб, ахборот технологиялари ва электрон ҳукумат экотизимини янада ривожлантириш бўйича тавсиялар берди.

Суҳбат чоғида икки давлат ташкилотлари ўртасида электрон ҳукумат соҳасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш истиқболлари муҳокама қилинди. Сингапурнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш бўйича келишувга эришилди. Сингапур айни дамда БМТнинг электрон ҳукумат рейтингига дунёда 11-ўринни эгаллаб турибди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Сингапур Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Қаҳрамон Шокиров ҳам иштирок этди.

САУДИЯ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига ташрифи доирасида Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов Кирил Абдуллоҳ номидаги Илм-фан ва технологиялар университети президенти профессор Тони Чан билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Маъмур меморандум доирасида Кирил Абдуллоҳ номидаги Илм-фан ва технологиялар университети билан ҳамкорликда бешта устувор йўналишдаги – муқобил энергетика, сунъий интеллект, биотехнология, математика, роботехника соҳалардаги қўшма илмий лойиҳалари умумий 1 млн. АҚШ доллари миқдорига тенг шерикликда молиялаштирилади. Бундай ҳамкорлик мазкур соҳалардаги тадқиқотларни янги даражага олиб чиқиш, илмий марказларнинг моддий-техник базасини янгилаш, устувор йўналишларда ёш илмий кадрлар тайёрлашга асос яратади.

Шунингдек, ўн нафар ўзбекистонлик ёш олим ва тадқиқотчилар Кирил Абдуллоҳ номидаги Илм-фан ва технологиялар университети сунъий интеллект йўналишида олти ойлик стажировкага юборилади. Улар Саудия Арабистонининг сунъий интеллект соҳасидаги тажрибасини ўрганиши натижасида янги авлод мутахассислари тайёрланади.

Рейтинг

ЕТТИ ОЙДА 1522ТА ЯНГИ КОРХОНА ОЧИЛДИ


Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги берган маълумотга кўра, 2022 йилнинг 1 август ҳолатига республикамизда ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар жами сони 11252та бўлиб, уларнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,5 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, жорий йилнинг етти ойида ушбу соҳада 1522та корхона янги ташкил этилиб, уларнинг 1514таси кичик бизнес субъектлари хиссага тўғри келди.

Қуйидаги ҳудудларда ушбу соҳада энг кўп янги ташкил этилган корхоналар акс этган:

- Тошкент шаҳрида 652та,
- Самарқанд вилоятида 141та,
- Фарғона вилоятида 109та,
- Тошкент вилоятида 86та.

ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИ МИКРОСХЕМАЛАРГА ҚАРАБ ҚОЛГАН



1 « Микросхема етишмовчилигида ким айбдор?

Инқирознинг биринчи тўлкини 2020 йили, коронавирус пандемияси тарқалиши билан бошланди. Юқорида айтганимиздек, одамлар уйда ўтириб қолгани учун турли гажетлар, айниқса, смартфон ва ноутбук, ўйин мосламалари сотиб ола бошлади. Бундай қуролма кун бўйи тўрт девор орасида қамалиб ўтиришни, биров бўлса-да, осонлаштиргани баробарида масофадан туриб пул ишлаш имконини юзага чиқарди.

Коронавирусдан касалланиш ҳолати кўпайиб, барча мамлакатларда тиббиёт соҳаси кучли босим остида қолди. Барчага маълум, замонавий ташхис аппаратлари чипларсиз ишламайди. Шу сабабли микросхема сақланаётган омборлар қисқа фурсатда бўшай бошлади. Аксарият IT-корпорациялар эса Samsung, TSMC ва Foxconn каби етакчиларга ишониб, ушбу махсулотни ўзларида чиқармагани боис микрочиплар тақчиллигига дуч келди ва ишлаб чиқариш кўрсаткичи пасайди.

Ёлпасига касалланиш ва локдаун кремний гиганти ишлаб чиқариш чизигини секинлаштирди. Қолаверса, хомашё ва махсулот етказиб бериш заنجирини ҳам жиддий узилтиш рўй берди. Айниқса, юк ташишда муаммо кўпайди, яъни буюртмачиларга тайёр чип етиб бориши қийинлашди.

Муаммо техноген ҳалокат ва глобал иссиқ билан ҳам боғлиқ

Ишлаб чиқаришдаги ҳалокат ҳам, ер юзида иқлим ўзгариши ҳам микросхема етишмовчилиги сабабларидан бири сифатида кўрилади. 2021 йили кремний пластин ишлаб чиқариш объектларида қатор ёнгинлар юз берди. Бу бир неча йирик брендларнинг бир неча ойга жадвалдан чиқиб кетишига олиб келди.

Шуни ҳам эътибордан қочирмаслик керакки, кремний кристаллини ишлаб чиқариш учун жуда кўп тозаланган чучук сув керак. Масалан, TSMC бир кунда 150 минг тонна сув ишлатади. Тайванда эса 2021 йилда кузатилган рекорд даражадаги қурғоқчилик ярим ўтказгич санаятига жиддий босим ўтказди.

Бу ёқда АҚШ ва Хитой муносабати...

Микрочиплар танқислиги ҳақида гап кетганда АҚШ ва Хитой қарама-қаршилиги омилини ҳам ёддан чиқармаслик зарур. Доналд Трамп

президентлик қилган даврида Америка ҳукумати Хитойнинг юқори технологиялар бўйича гигант компанияси – Huaweiга нисбатан санкция қўлади. Натижада ушбу компания тез фурсатда смартфон бозорида етакчилик позициясини қўлдан берди. Кейин америкаликлар TSMCга Huawei компанияси учун микрочип етказиб беришни ман этди. Хуллас, таққ туфайли Хитойнинг ярим ўтказгичлар билан боғлиқ хавфсизлигига жиддий зиён етди.

Жо Байден Оқ уйга келгандан кейин ҳам Хитойга қарши босим қайтама қайтама қўлади. Аксинча, Тайван масаласи билан боғлиқ ҳарбий қарама-қаршилиқ таҳдиди юзага келди. Мабодо, Тайван атрофидаги вазият АҚШ билан Хитой ўртасидаги ҳарбий тўқнашувга айланиб кетса, табиийки, ярим ўтказгич инқирози энг юқори чўққига етади.

Мавзуга Украина воқеасининг қандай алоқаси бор?

Гап шундаки, Украина кремний пластин ишлаб чиқариш заنجирини ҳам жиддий узилтиш рўй берди. Украинадаги “Крион Инжиниринг” ва “Ингаз” каби етакчи корхоналарга тегишли. Ҳозир ишламаётган мазкур компаниялар харидори Жанубий Корея, АҚШ, Германия ва табиийки, Тайвандаги етакчи чип усталаридир. Микроэлектроникага талаб йилдан йилга ортиши ҳисобга олинган бўлса, чип танқислиги ҳам кучайишини англаш қийин эмас.

Шанхайда локдаун: яна COVID-19

Коронавирус мавзуси ҳозир ОАВ учун унчалик долзарб эмас, лекин бу муаммо ҳали ғойиб бўлмаган. Хитойда апрел ойида коронавирус инфекцияси тарқалиши яна авжга чиқди. Аҳолиси 24 миллион кишини ташкил этадиган Шанхай шаҳрида қаттиқ локдаун бошланди. Коронавирусга қарши олиб борилмаётган қатъий сиёсат жаҳон иқтисодиётига ҳамда ярим ўтказгичлар соҳасига жиддий зарба бўлиши мумкин.

Зеро, Шанхайда улкан трансмиллий корпорациялар кўним топган. Apple, Coca-Cola, Tesla ва бошқа гигантларнинг завод-фабрикалари ушбу шаҳарда ҳам фаолият юритади. Дунёнинг учинчи фонд биржаси жойлашган ушбу шаҳар 12 йилдан буён энг йирик контейнер порти мақолини эгаллаб келмоқда. Қолаверса, Хитойнинг асосий микрочип ишлаб чиқарувчи компанияси ҳисобланган

SMIC ҳам айнан Шанхайда жойлашган.

Микрочип ишлаб чиқариш корхоналари тез-тез ишламай, туриб қолиши 50дан ортиқ кема портда тикилиб қолиши, инвесторлар бошқа соҳилга юзланиши... буларнинг бари асосий қийинчилик ҳали олдиндайдиган дарак бермоқда.

Кимдир кўп, кимдир оз, барибир, зиён кўради

Бозорда чип тақчиллиги ҳақидаги янгиликни ўқиб, бу ҳолатни электроника дўконларида сотилаётган гажетлар сони билан солиштирар эканмиз, қандайдир номутонасибликка гувоҳ бўламиз. Демак, смартфон, компьютер ва маиший техника ишлаб чиқарувчи машҳур компаниялар бошқа, нисбатан кучсизроқ рақобатчиларига қараганда кам зарар кўрган.

Энг кўп зарар кўрган соҳа, асосан, автомобиль ва тиббиёт санаяти. Масалан, 2021 йили автомобилсозлар даромади 100 миллиард долларга қисқарган. Натижада жорий йил автомобил ишлаб чиқариш камида 7-9 миллион донага қамаяди. Етакчи автомобил ишлаб чиқарувчи компаниялар вакиллари таъкидлашчи, микропроцессор тақчиллиги оқибати 2023 йилгача сезилади. Мутахассислар автомобил бозоридаги вазият 2024 йилдан кейингина барқарорлашиши мумкин, дейишмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам вазият ачинарли. Замонавий сунъий нафас юбориш ускуналари, томограф, ультраовуш жиҳози ва бошқа тиббий техника воситалари мураккаб қурилмалар бўлиб, микропроцессорларсиз умуман ишламайди. Муаммо шундаки, микропроцессор етишмовчилиги давом этса, тиббий техника етказиб берувчи компаниялар янги моделлар ишлаб чиқаришни қисқартиришига тўғри келади.

Гап истеъмол электроника ускуналари хусусида кетганда шунини таъкидлаш жоизки, смартфон, планшет ва компьютер техникаси биров қимматлашишини айтмаса, соҳа бошқа қийинчиликка учрамайди. Зеро, Samsung ёки Intel каби йирик IT-компаниялар ё ўзининг қувватига эга бўлиши, ё бошқа микрочип ишлаб чиқарувчини ўзига оғдириб олиши мумкин. Барибир, пул ва обрў ҳамма нарсага қодир эмас экан. Ҳатто, Apple ҳам янги iPhone-13 смартфонни ишлаб чиқарилишини 20 фоиз қисқартиришга мажбур бўлмоқда.

Ечим қаерда?

Микросхема атрофидаги танг аҳволга қарамай, мамлакатлар ва

ишлаб чиқарувчилар ярим ўтказгич инқирозини ҳал қилишнинг янги йўларини қидиришда давом этмоқда. Ҳўш ечим қаерда? Биринчидан, янги заводлар барпо қилиш керак. Масалан, TSMC АҚШ Аризона штатида замонавий чип ишлаб чиқарувчи фабрика қурапти. Умуман, бу компания Америка ҳудудида яна бта янги завод қуришни режалаштирган. Ушбу лойиҳалар учун 100 миллиард доллар ажратилади. TSMC янги заводларини бошқа мамлакатларда ҳам қурмоқчи. Масалан, корпорация Sony Group билан бирга Японияда микрочип ишлаб чиқариш фабрикаси ишга туширишни кўзлаган. Foxconn эса ушбу соҳада Ҳиндистонга инвестиция қиритмоқчи.

Микросхема ишлаб чиқариш бўйича Хитой ҳам илғорлардан ортада қолмоқчи эмас. Чин мамлақати ўз ҳудудида микросхема ишлаб чиқаришга жуда кўп маблағ жалб қилиш ниятида. Масалан, ХХР ҳукумати ушбу соҳани ривожлантириш учун 2025 йилгача Alibaba Group ва Huaweiга 1,4 триллион доллар ажратмоқчи ва шу йўл билан соҳанинг хорижий ишлаб чиқарувчиларга қарамлигини қисқартирмоқчи. Бундан ташқари, Хитой катта маош ва яхши меҳнат шaroити ваъда қилиб, TSMC ва Foxconn ходимларини ўзига оғдириб олишга ҳаракат қилмоқда.

Intel ҳам микросхема ишлаб чиқариш бўйича янги заводлар қуришини маълум қилган.

Демак, ҳаммаси изга тушади

Унчалик эмас, дейди мутахассислар. Янги завод-фабрика қурилиши яхши, албатта. Бинобарин, бу ишлар тез амалга ошмайди. Ҳатто, завод тез қурилгани билан коронавирус эпидемияси, мураккаб иқлим шарoити, дунёдаги сиёсий вазият мазкур муаммонинг тез орада ечим топишига бўлган умидни йўққа чиқаради.

Хуллас, IT-компаниялар вазиятнинг яхшиланиши бўйича турли тахминларни келтирмоқда. Масалан, Intel бош директори таъкидлади, ярим ўтказгич танқислиги камида 2024 йилгача давом этади. Дарвоқе, 2020 йили таҳлилчилар вазият 2021 йилда ўнглана бошлашини айтганди. Афсуски, бу мuddат чўзилапти. Шундай экан, чип тақчиллиги яна камида 3-4 йил кузатилиши турган гап, дейди экспертлар. Бу ёғини вақт кўрсатади.

Интернет
материаллари асосида
С.РАҲИМОВ тайёрлади

БАНКИ БУДУТ ОФОРМЛЯТЬ ЛЬГОТНЫЕ КРЕДИТЫ ДЛЯ УЧЁБЫ НА ИТ-КУРСАХ

Шавкат Мирзиёев утвердил меры по расширению доступа к образованию и работе в сфере ИТ. Постановление президента опубликовало УЗА.

Документ перечисляет шаги, направленные на увеличение возможностей для освоения современных профессий. Одним из них станет программа льготных кредитов на получение ИТ-образования, которая должна заработать с 1 октября.



Кредиты для обучения по ИТ-специальностям в частных образовательных учреждениях будут выдаваться под процент, равный ставке ЦБ (сейчас — 15%). Максимальная сумма составит 65 БРВ (19,5 млн. сумов), срок — 4 года.

Учебный центр, в котором заёмщик собирается проходить курсы, должен иметь статус резидента ИТ-Park. Технопарк интегрирует реестр резидентов в сфере ИТ-образования с системами банков и госучреждений.

Получатель кредита на обучение может привлечь родственников с постоянным доходом либо других лиц как созаёмщиков. Детям из семей, внесённых в реестр соцзащиты, не нужно будет поручительство или залог.

Также с 1 ноября молодые люди, учащиеся на ИТ-курсах, либо получившие сертификат об их окончании (не ранее чем за 6 месяцев до обращения) смогут получить займ на покупку компьютера. До этого оформить кредит могли только выпускники One Million Uzbek Coders.

Сумма кредита составит до 25 БРВ (7,5 млн. сумов). Фонд по поддержке государственной молодёжной политики компенсирует часть процентов по кредиту (максимум — 1,5 ставки ЦБ, сейчас это 22,5%).

Кроме того, фонд предоставит поручительство по кредиту детям из семей в реестре соцзащиты и молодым людям, включённым в «Молодёжную тетрадь».

ЗА ПОЛГОДА ИНОСТРАННЫХ РЕЗИДЕНТОВ ИТ-PARK СТАЛО ПОЧТИ В 6 РАЗ БОЛЬШЕ

Число экспортёров среди резидентов ИТ-Park в первой половине 2022 года выросло в 2,7 раза. Об этом сообщила пресс-служба технопарка.

С начала года 203 технологических компании предоставили свои услуги за рубежом. Их суммарный объём экспорта за полугодие составил \$53,2 млн., увеличившись в 4,4 раза по сравнению с тем же периодом 2021 года.

Доля США в ИТ-экспорте выросла до 88%. Ещё 3% выручки обеспечила Великобритания, по 2% — Россия и Германия. На ОАЭ, Казахстан, Швецию и Нидерланды пришлось по одному проценту.

Основной статьёй цифрового экспорта стал аутсорсинг бизнес-процессов — \$33,1 млн. (или 62%). Ещё \$18,05 млн. (33,9%) принесла разработка программного обеспечения.

Всего резиденты ИТ-Park за полгода оказали услуги на 2,3 трлн. сумов — в 2,3 раза больше первых шести месяцев прошлого года. Главными направлениями остаются создание ПО и обработка данных.

Сейчас в технопарке числятся 747 компаний. За полугодие резидентство оформили 249 ИТ-фирм — втрое больше, чем было в первой половине 2021 года.

Количество резидентов выросло в полтора раза, даже несмотря на масштабные сокращения. Статуса лишились 74 компании, из них 39 — в июле. Ещё 110 фирм получили отказы.

Число иностранных компаний в списке резидентов увеличилось в разы. Если в прошлом июне их было 14, а в январе — 18, то сейчас таких фирм уже 107.

В конце 2021 года глава Мининфокома Шерзод Шерматов поставил задачу увеличить цифровой экспорт до \$1 млрд. Для этого по его рекомендации была введена новая категория виз для ИТ-специалистов и технологических инвесторов.

Кроме того, с февраля в Узбекистан начали переезжать ИТ-компании из России и Беларуси, работающие с зарубежными клиентами. Например, ЕРАМ перевезла сюда около 1000 российских и белорусских сотрудников.



FORBES ПОСОВЕТОВАЛ ФИНТЕХ-СТАРТАПАМ ИЗ РОССИИ ВЫХОД В УЗБЕКИСТАН

Создатели финтех-стартапов из России раньше стремились выйти на рынок США. Их привлекала высокая платежеспособность населения и благоприятный инвестиционный климат. Однако расширение санкций затруднило для российских компаний запуск в Америке. Какие рынки им стоит рассмотреть как альтернативу — в колонке Forbes рассказал глава финтех-компании «Деньги Вперёд» Павел Гужиков.

Гужиков выделил несколько рынков, к которым считает полезным для финтех-компаний присмотреться. В их число попал и Узбекистан, где дистанционными банковскими услугами пользуются две трети населения.

Лидерство в сфере держат электронные кошельки. В пример приводятся Oson, через который мигранты переводят деньги и оплачивают ЖКХ родным в Узбекистане, Click с базой в 8 млн. человек и 25 тысяч торговых точек, а также Payme с 1,3 млн. активных клиентов.

Однако цифровой банкинг в Узбекистане пока на начальной стадии — сейчас он представлен лишь 3 игроками, отметил Гужиков. Несколько крупных команд планируют внедрять новые решения для банкинга. Российские стартапы также могут занять свободные ниши через партнёрство с местными банками и бизнесом.

В АЭРОПОРТАХ УЗБЕКИСТАНА ЗАПУЩЕНА ЕДИНАЯ ИТ-СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ

Uzbekistan Airports внедрила систему ведения операционной базы аэропортов (AODB). Об этом пишет пресс-служба компании.

Поставщиком программного комплекса стала российская компания IPG. В тендере также участвовали такие игроки, как Monitor Soft, ZAMAR, ARINC и TAV Technologies.

Как отмечают в компании, AODB обеспечивает безопасное и качественное управление большим числом авиоперевозок. Через систему информация от всех служб каждого аэропорта поступает в единую базу данных.

AODB собирает и упорядочивает сведения о взлётах и приземлениях самолётов, числе пассажиров и объёме их багажа, регистрации и посадки на борт, а также о задействованной в обслуживании рейса технике.

До цифровизации все эти данные собирались по отдельности в бумажном виде. Большой объём информации в сочетании с человеческим фактором увеличивал вероятность ошибок.

Без внедрения ИТ-решений аэропорты Узбекистана не достигнут конкурентоспособности, заметила глава Uzbekistan Airports Рано Джураева. Для управления массовыми пассажиропотоками нужна постоянно развивающаяся цифровая инфраструктура.

«Это важный критерий для мировых авиакомпаний. Они не будут летать в аэропорт, где расписание рейсов записывают на бумаге, они выберут тот аэропорт, где помимо выгодных тарифов, получат современные технологии», — добавила Джураева.

По словам руководительницы компании, цифровые решения позволяют получать онлайн сведения по финансовым показателям, обеспечат прозрачность доходов воздушных гаваней, улучшают координацию служб и удобства для пассажиров.



ИТ-ПРАВО. ПОЛЬЗОВАНИЕ РАДИОЧАСТОТНЫМ СПЕКТРОМ ЯВЛЯЕТСЯ БЕСПЛАТНЫМ?


Вопрос: пользование радиочастотным спектром бесплатно?

Ответ: нет, пользование радиочастотным спектром является платным. Порядок платы за пользование радиочастотным спектром, а также льготы по ней устанавливаются законодательством.

Об этом говорится в статье 11 Закона Республики Узбекистан «О радиочастотном спектре».




FACEBOOK, INSTAGRAM VA SHAHSIY DAHLISIZLIK



Киберхавфсизлик бўйича мутахассис Феликс Краузинг сўзларига кўра, эндиликда Facebook ва Instagram ижтимоий тармоқлари ўз фойдаланувчиларини махсус браузер ёрдамида назорат қилади.

Браузер мазкур ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларини ва улар ташири буюрган сайтларни кузатиб боради.

СОНИЯСИГА 15 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ФОЙДА КЕЛТИРАЁТГАН СМАРТФОН



OnePlus янги OnePlus Ace Pro флагмани сотувларини бошлади. Ишлаб чиқарувчининг айтишича, смартфон илк сониядаёқ 15 миллион доллардан кўп фойда келтирган.

OnePlus Ace Pro уч хил талқинда

тақдим этилди – 12/256 ГБ хотира (520 доллар), 16/256 ГБ (560 доллар) ва 16/512 ГБ (635 доллар).

Смартфон 1080x2412 пиксел ва 6,7 дюйм OLED дисплейи ва 120 Гц гача экранни янгилаш тезлигига эга.

6G СОҒЛИҚ УЧУН ФОЙДАЛИМИ?



Хитойлик тадқиқотчилар 6G тўлқинлари инсон саломатлигига қандай таъсир қилишини аниқладилар. Маълум бўлишича, радиотўлқинлар мия ишини ўзгартиради.

Таъриба сичқонларнинг миясида ўтказилди. Уч дақиқада миядаги нейронлар 150 фоизга ошди. Уч кундан кейин эса янги нейронлар орасидаги алоқалар икки баробар ортади. Бу сичқонлар ақлироқ бўлиши ва тез ўрганишини таъминлайди. Синовдан сўнг кемирувчиларнинг миясида ножўя таъсирлар ва аномалиялар пайдо бўлмади.

Аммо 6G инсон саломатлигига қандай таъсир қилиши номаълумлигича қолмоқда. Олимлар келажак интернетнинг ривожланиши

одамлар учун хавфсиз эканлигини аниқлаш мақсадида изланишларни давом эттирадилар.

TESLA МИЛЛИОНИНЧИ ЭЛЕКТРОМОБИЛИНИ ҚАЕРДА ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚЧИ?



Tesla компанияси Шанхай (Хитой)даги заводида миллионинчи электромобил ишлаб чиқарилишини эълон қилди.

Ўтган йили компания раҳбари Илон Маск Шанхайдаги гигафабрика ишлаб чиқариш қуввати бўйича Калифорниянинг Фримонт шаҳридаги заводни орта қолдирганини айтган эди. Октябр ойда Tesla Хитой заводи янги асосий экспорт маркази бўлишини эълон қилди.

Маълумот учун, Шанхайдаги гигафабрика қурилиши 2018 йилнинг декабр ойда бошланган. 2019 йил декабр ойдан маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган завод икки йил ичида дунёдаги энг йирик электромобил ишлаб чиқарадиган корхонага айланди. Йиллик ишлаб чиқарилш 2021 йилда 800 мингга етди.

Август ойи бошида Маск

Tesla'нинг барча заводлари жами 3 миллион донга автомобил ишлаб чиқарганини эълон қилди. Ундан бир ой аввал эса компания Фримонт заводи 2 миллионинчи электромобилни ишлаб чиқарганини эълон қилган эди.

SPACEX: ҲАРБИЙЛАР УЧУН ИНТЕРНЕТ



SpaceX Европа ва Африкадаги америкалик ҳарбийларни Starlink сунъий йўлдошли интернет билан таъминламоқчи. Компания бунга оид 1,9 миллион долларлик шартномани имзолади.

Ушбу интернетнинг уланиш тезлиги 500 Мбит/с. Компания икки турдаги хизматни таклиф қилмоқда: маълум жойларда ва турли жойларда сунъий йўлдошни қамраб олиш.

Ҳарбийларни интернет билан таъминлаш бўйича яна бир қанча вариантлар бор эди. Масалан, OneWeb, Amazon Kuiper, Telesat кабилар. Аммо синовлардан сўнг фақат Starlink керакли вақтда махсус алоқа хизматини тақдим эта оладиган ягона провайдер, деб топилди.

Халқаро ҳаёт

ЕР АҲОЛИСИ СОНИ 8 МИЛЛАРДДАН ОШДИ



Countrymeters сайти маълумотларига кўра, дунё аҳолиси сони 8 миллиарддан ошди.

1,4 миллиард одам Хитойга (18,1 фоиз) тўғри келмоқда, Ҳиндистон ҳам деярли бир хил кўрсаткичга (17,7 фоиз) эга. Аҳолиси сони бўйича учинчи ўринда АҚШ – 336 миллион киши (4,2 фоиз).

айтилишича, биринчи миллиард аҳоли 1804 йилда қайд этилган. 1987 йилга келиб бу кўрсаткич 5 миллиардга етди. 1999 йилда дунё аҳолиси 6 миллиардга, 2011 йилда эса 7 миллиардга етган эди.

УКРАИНАДА УРУШ БОШЛАНГАНИДАН БЕРИ 5,5 МИНГ НАФАР ОДДИЙ ФУҚАРО ҲАЛОҚ БЎЛДИ



Украинада уруш бошланган 24 февралдан бери ҳалок бўлган тинч аҳоли вакиллари сони 5,5 минг нафарга етди. Бу ҳақда БМТ хабар берди.

Қурбонлар: эркаклар — 2 125 нафар, аёллар — 1 451 нафар, қиз болалар — 147 нафар, ўғил болалар — 170 нафар. Шунингдек, жанглари оқибатида вафот этган 39 бола ва 1 582 нафар жатта ёшларнинг жинси ҳозиргача аниқланмаган.

Аслида қурбонлар сони юқоридагидан анча кўп бўлиши мумкин, чунки жанглари қизгин кетаётган ҳудудлардан маълумот олиш қийин кечмоқда, дейилади БМТ баёнотида. Мариупол шаҳар кенгаши маълумотида кўра, уруш тўлиқ яксон қилган бу шаҳарнинг ўзида ҳалок бўлганлар сони қарийб 20 минг нафарни ташкил этиши мумкин.

ПУТИННИНГ “КЎРҚИНЧЛИ” БАЁНОТИ



Daily Express ёзишича, Россия президенти Владимир Путин “Армия-2022” форумидаги нутқида “кўрқинчли” баёнот қилди: Россия ўз қуролларини дунёдаги барча иттифоқчилари билан баҳам кўришга тайёр.

Нашр учун мақолани ёзган Мэтью Дули Фарб мамлакатлари, масалан, Эрон ва Шимолий Корея замонвий қуролга эга бўлишига узок йиллардан бери қаршилик кўрсатиб келишига эътибор қаратган. Шу боис Россия бу каби мамлакатларга ўқ отар қуроллардан тортиб зирхли

техника, артиллерия, жанговар авиация ва учувчисиз қурилмаларни етказиб беришга шайлиги хавотирга солмай қўймайди.

Муаллифнинг қайд этишича, Россия томонидан Фарбга душман мамлакатларга қурол етказиб берилишини провокация сифатида баҳолаш мумкин.

“МЕНИ КЎРДИНГМИ, ЙИҒЛА”: ЎТМИШ НИДОСИ



Кучли қурғоқчилик оқибатида Европа дарёлари шунчалик саёзлашиб кетдики, қадимги оғоҳлантирувчи ёзувлар юзага чиқиб қолди. Бу ҳақда Science Alert ёзмоқда.

Ўтмишда табиий офатларга йўлиққан одамлар кейинги авлодларга ўзига хос мактубларини тошларга ўйиб ёзишган. Қурғоқчилик, сув қаҳат пайтларда юзага чиқувчи бундай тошлар “очлик тошлари” дейилади. Шундай тошларнинг бири Чехиядан бошланиб, Германия орқали оқиб ўтувчи Элба дарёсининг қирғоғида жойлашган. Унда немис тилида оғоҳликка даъват ёзилган: “Wenn du mich siehst, dann weine” — “Мени кўрдингми, йиғла”.

Қурғоқчиликлар оқибатида ҳосил кам, озик-овқат етишмаган, қаҳатчилик ва қимматчилик ҳукм суриб, камбағаллар очликка маҳқум бўлган йилларни олимлар аниқлашган. 1417, 1616, 1707, 1746, 1790, 1800, 1811, 1830, 1842, 1868, 1892 ва 1893 йиллар — ана шундай оғир йиллар.



ЖАМИЯТ МАЪНАВИЯТДАН КУЧ ОЛАДИ

Мен дунёга нима учун келдим? Ўзимга буюрилган бурчлару вазибаларни адо эта оляпманми?.. Ҳар биримиз ҳам баъзан шундай саволлар қомида қоламиз. Айниқса, умумхалқ байрамларида. Қалбимиз ўзгача шуқуқга тўлганда. Хўш, шу шодумонликларга муносибманми-йўқми, деб ўйларга ботамиз. Энг азиз, энг улўғ МУСТАҚИЛЛИК байрамида-чи? Табиийки, бу энг бебаҳо, энг тенгсиз бойликни асраш-авайлашга, меҳнатларим билан мустақамлашга қанчалар ҳисса қўшяпман, "Ватан, мен ҳам фарзандингман!" дейишга лойиқманми, дея ўзимиздан ўзимиз сарҳисоб сўраймиз.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Ўзбек-телеком" АК Фаргона филиаллари жамоаларининг мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирдан баҳраманд бўлган ҳар бир раҳбар ва ходим ҳаёлидан ҳам юқоридаги мулоҳазалар кечгани табиий.

Тадбирга таклиф этилган филология фанлари номзоди, ўндан зиёд китоблар муаллифи, адиб Набижон Солиев маърузасида ҳам ана шу мурожаат баралла акс этиб турди. Нотик, аввало, сўзни 31 август – Катагон қурбонларини ёд этиш кунининг мазмун-моҳияти, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, халқимизнинг асл фарзандлари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда олиб борилиши керак бўлган вазибалар – бадиий, илмий, таҳлилий асарлар яратиб зарурати ҳусусидаги қарашлари билан ўртоқлашди. Бу ҳақиқатни мустақиллик йилларида туғилган ёшлар онгига нақшлаш шарт ва зарур. Улар бу кунларга осонликча эришилмаганини қанчалар эрта ва теран анлашса, шунча яхши. "Янги Ўзбекистон", "Фаргона ҳақиқати" каби мабуот ва интернет нашрларида ушбу мавзуга кенг ўрин берилётгани минг-минг таҳсинларга арзийди. Бу илмий ишлардан таъсирланган ёшларнинг чиқишлари, жумладан, кўқонлик ёш шоира Зухра Махаммадиеванинг изтироблар ичра ёзган шеърлари ҳам шунга далолат қилади.

Нотик Ўзбекистон Президентининг "Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ҳақида гапирар экан, ўзбек шеърятининг сўнмас ва ёрқин юлдузи бўлиб балқиган Усмон Носир ижоди ҳақида муҳтасар маълумот берди. Унинг истеъдоди, Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда, русларнинг улкан шоири Сергей Есенинга ўхшашини, унинг мард ва ўқтам, жасур, тўғрисида, оловқалблиги каби хислатларини таъкидлаб ўтди.

Маънавий тарғиботчи сифатида қизгин фаолият юритаётган олим ва ёзувчи устоз Солиев юртимизда адабиёт ривожига катта эътибор берилётганлигига алоҳида тўхталди:

– Биламан, орангизда бадиий асарлар мутолаасига қизиққан китобсеварлар талайгина. Диққат қилганлар бўлса, кейинги йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг мухташам биниси, унга туташ Адиблар ҳибони, адабиётимизнинг улўғ намояндалари

рига ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Улар номидаги ижод мактаблари очилди. Бу қанчалар фақулодда қувончли бўлганди. Бу оламшумул ўзгаришлар 2017 йил 3 августда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувидан кейин бошланган эди. Уша кун тарихга зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган кун бўлган экан. Ана шу мулоқот ижодкорлар дилига чўғ ташлади. Шарофатли кун сабаб адабиётимизни зийнатлайдиган, ҳар бир кунимизга ёдду киритадиган, маънавий гўзал фазилатларни тарбиялайдиган, ҳаётдонларимизни илм нуридан чарогон этадиган янги-янги асарлар дунёга кела бошлади. Улар талайгина. Шулардан иккитасини айтиб ўтай. Бири Ойбек домладан кейин риштонлик ёзувчи Исажон Султон жасорат билан қўл урган "Алишер Навоий" романи! Севимли адабиётимиз юқсақ маҳорат билан ёзган асари туфайли Ўзбекистон халқ ёзувчиси деган унвон соҳиби даражасига эришди. Улуғ аждодимиз имом Абу Мансур Мотуридий ҳаёти ва таълимоти ҳақида китоб ёзилиши ушалмас орзудек эди. Бундай шараф Луқмон Бўрихонга насиб этди, бу таълимотга ташналигимиз қонадиган бўлди. Унинг "Имом Мотуридий" асари кутубхонамизни, кунларимизни безади. Маънавий меросимиздан ўлмас асарлар бўлиб жой олган мазкур китобларни ўзингиз ва фарзандларингиз ўқишлари учун тавсия этаман.

Тадбир якунида Набижон Солиев ўзининг 26 нафар академикларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги "Академик фан фидойилари" китоби билан ҳам қисқача таништирди. Китобга сўнги йилларда академикларимиз сафидан ўрин олган Наим Каримов ҳаёти ва илмий фаолиятини акс эттирган, тўлдирилган ҳолда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 80 йиллигига нашр этирилишини айтиб ўтди.

Маърузадан ҳам кўра эркин суҳбат руҳида ўтган тадбир ниҳоятда эсда қоларли кечди. Маиший ташвишлардан толиққан кўнгиллар ёришди. "Мен ўзбекман! Мен ўзбекистонликман!" – дея оладиган миллий ғурури ёшларни камолга етказишда бундай тадбирларнинг нафи беқиёсдир. Зотан Ренессанс пойдеворини маънавий бақувват жамият куради.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг
Фаргона вилоятидаги муҳбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШЛАР СОҲАСИДА РАДИОЧАСТОТАЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЯККА ТАРТИБДАГИ ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танлов ўтказиладиган сана: 2022 йил 20 октябр.

Буюртманомалар қабул қилишни бошлаш: 2022 йил 22 август, соат 9:00 дан.

Буюртманомалар қабул қилишни тугатиш: 2022 йил 20 сентябр, соат 17:00 гача.

Танловни ўтказувчи: Ахборот фаолияти ва маълумотлар уза-тишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси.

Танлов ўтказиш жойи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлислар зали.

Танлов шартлари: Танловда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, телерадиоэшиттиришлар ва оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган, буюртманомана ва илова қилинадиган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этган юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Маълумот учун телефон: Ҳукумат уйи, Комиссия ишчи гуруҳи 71 239 84 57; 71 239 81 89.

Буюртманомаларни қабул қилиш: Буюртманомана ва илова қилинадиган ҳужжатлар электрон шаклда (*.pdf форматда, макс. 10 МБ) mkk@gov.uz ёки mkk@exat.uz электрон почта манзилига юборилади.

Буюртманоманага Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрдаги 592-сонли қарори билан тасдиқланган "Радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 10-бандида келтирилган ҳужжатлар лозим даражада расмийлаштирилиб, илова қилинади.

от	Радиочастота ва стандарт	Узаткич қуввати	Тарқатиш ҳудуди	РЭВ ўрнатилган манзил
РАҚАМЛИ ТЕЛЕЭШИТТИРИШЛАР МУЛТИПЛЕКСИДА				
ТЕЛЕДАСТУРЛАРНИ ТАРҚАТИШ				
*	47 ТВК (678-686) МГц DVB-T2	5 кВт	Хоразм вилояти	Ўрганч РТС
*	45 ТВК (662-670) МГц DVB-T2	5 кВт	Кўқон шаҳри, қисман Фаргона ва Андижон вилоятлари	Кўқон РТС
*	32ТВК (558-566) МГц DVB-T2	2 кВт	Наманган шаҳри ва вилояти, қисман Фаргона ва Андижон вилоятлари	Нуробод РТС

*танловда ғолиб чиққан телеэшиттириш субъектларининг телеканаллари "РТМ" ДУКнинг рақамли телеэшиттиришлари мултиплекси таркибига шартнома асосида киритилади.

Телерадиоэшиттиришлар соҳасидаги танловда иштирок этиш учун буюртманомана шакли, унга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати, пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, лицензия талаблари ва шартлари билан www.mtc.uz веб-сайтида.

Эълон!

"Ўзбекистон" республика санаторийлари фаолиятини қайта тиклаш ва модернизациялаш жамоат Фонди Васийлик Кенгашининг 2021 йил 26 февралдаги 29-сонли ҳамда 2022 йил 28 февралдаги 40-сонли Баённомаларига асосан "Алоқабанк" акциядорлик тижорат банки томонидан 2021 йилда 1500,0 млн. сўм, 2022 йилда 500,0 млн. сўм ҳомийлик пул маблағлари тушганлигини маълум қилади.

3D дизайнер:

ТЕНГДОШЛАРИНГ TikTokда ЎТИРГАНДА, СЕН ФРИЛАНСЕРЛИКдан БОЙИБ КЕТИШИНГ МУМКИН!



Бугунги кунда фрилансерлик билан шугулланиб, юқори даромад топиш имкони мавжуд бўлган соҳа вакилларида бири – 3D дизайнерлар. Бу галги қаҳрамонимиз ҳам Ўзбекистонда 3D соҳасини ривожлантириш ва шу йўлда яхши мутахассислар тайёрлашни ўзига мақсад қилган Dizipro компанияси асосчиси, тажрибали IT тадбиркор ва фрилансер Абдурахимов.

– Ассалому алайкум. Аввало, IT оламига кириб келишингиз қандай бўлган ва нега айнан фрилансерлик фаолиятини танладингиз?

– Ваалайкум ассалом. Биласизми, бу соҳага кириб келишимдан аввал менда “айти” ёки фрилансерлик ҳақида тушунчалар бўлмаган. Болалигимда 3D MAX деган нарсани эшитганимдаёқ менда қизиқиш пайдо бўлган. Аммо 3D MAX деганда фақат мультфильмларни тушунганим учун бу нарса менга тўғри келмайди, деб ўйлардим.

Кейинчалик устозим Мансур Муродов томонидан ушбу соҳани бир йил давомида мукамал ўргангач, билдимки, мен ясаган 3D моделларимни бемалол интернет орқали сотиб, даромад қилишим мумкин экан. Шундан сўнг 3D модел ясашга киришиб кетдим. Ҳар кун бири неча 3D модел ясаб, интернетга жойлардим ва эртаси кун моделларим сотилиб, ҳар кун ҳисобимга пул туша бошлади.

Ясаган моделларим сони ортгани сайин, даромадим ҳам кўпайиб бораверди. Кейинчалик буржумалар ҳам туша бошлади ва шу йўл билан “айти” оламига кириб келганман.

– Сизнингча, IT соҳасини ўрганишни нимадан бошлаганмаёқ? Сиз нега айнан фрилансерликни танлагансиз?


– Айни дамда мен дизайнер эмасман, тизимлаштирувчи инсонман, десам муболага бўлмайди. Чунки ҳозирда мен ёшларни шу соҳа бўйича ўқитиб, иш билан таъминлаб, кейинчалик улар устида бизнес кураман.

Ҳозирги кунда “айти” соҳасининг йўналишлари кўп ва шу соҳага кириб келаётганда, неча ёшда бўлишларидан қатъий назар, аввало, ўз қизиқишларини аниқлаб олишлари керак.

Биз баъзан, фалончи қилди, сен ҳам қила оласан, деб фарзандларимизни ўзимиз билмаган ҳолда алдаб кўямиз. Бу худди товукқа, сенинг ҳам қанотинг бор, сен ҳам уча оласан, дегандек гап. Аммо ёшларимиз ўзлари қизиқмаган соҳани танлагани билан муваффақиятли бўлиб қолмайди.

Масалан, мендан дастурчи чиқмайди. Битта дастур яратганимга қадар юрагим сиқилиб кетади. Баъзилар эса аксинча, фрилансерликни зерикарли соҳа деб қабул қилади. Шунинг учун ҳам “айти” соҳасига кириб келаётганда ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, бирор-бир йўналишни танласалар мақсадга мувофиқ бўлади.

– Ҳозирги кунда авж олган тармоқли маркетинг фикрларингиз қандай? Бу ҳам қайсидир маънода фрилансерликнинг бир тури ҳисобланганими?



– Йўқ, тармоқли маркетинг замонавий фрилансерликнинг бир тури, холос! Тармоқли маркетинг мисоли пирамидага ўхшайди. Унда фойда фақат битта одамгагина бўлади. Бу ҳеч қандай бизнес тури эмас.

– Даставвал, 3D модел яратиш билан шугулланиб, эндиликда ўқув маркази сифатида юргимизда 3D соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган Dizipro компаниянгни ҳақида батафсил маълумот бериб ўтсангиз...

– Dizipro онлайн платформа ҳисобланади. Бу ерда ўқувчилар модел ясашни нолдан бошлаб ўрганади ва уларни сайтга юклаб, сотади. Бу жараён дарс жараёнларида батафсил ўргатилади.

– Эшитишимизча, ўқув марказингизда “Қизлар келажак учун” номли таълим гранти ҳам эълон қилинибди. “айти” нгчи, 3D соҳаси, умуман олганда, фрилансерлик билан шугулланишнинг аёллар учун устунликлари нимада?

– Тўғри, аёл киши учун бу соҳани ўрганиш осон эмас. Чунки бизда ўқиган хотин-қизларнинг ўн тасидан тўққизтаси ўқишни ташлаб кетган. Аммо шундай қизларни биламан, кунт билан ўрганиб, ҳозирда уйда ўтирган ҳолда 4-5 минг доллар даромад топишади. Бу эса айнан бизнинг ўзбек аёлларимиз учун жуда зўр имконият. Чунки уларнинг аксариятини турмуш ўртоғи ишлатмайди.

Бундай шароитда эса биров қийинчиликларга дош бериб, “айти” соҳасини ўрганиб олишса, кейинчалик оила, фарзанд ва рўзгор ташвишлари билан уйда ўтирган ҳолда, керак бўлса турмуш ўртоғидан ҳам кўп пул топа олиши мумкин.

– Шу ўринда яна бир савол, сиз 3D модел асосида яратган ёстиқчангизни бир неча йил давомида

50 доллардан сотган экансиз. Ваҳоланки, ҳеч бир харидор бундай ёстиқларнинг тайёр ҳолда тикилганини ҳам бу нарҳда сотиб олмайди. Нима деб ўйлайсиз, 3D дизайнерлар кун келиб оддий фрилансерларнинг фаолиятига нуқта қўйиши мумкинми? 3D моделларни яна кимлар нима учун сотиб олишади?

– Биласизми, нафақат ёстиқлар, балки бизга бир неча минг долларлар даромад олиб келаётган гиламлар ҳам ҳаётда шунча қимматга сотилмайди. Биз эса ҳаётда бор гиламнинг дизайни устида ишлаб, боз устига ҳеч қандай ортиқча харажасиз ва харақатсиз ундан қимматроққа сотамиз. Тўғри, бу кулгили эшитилиши мумкин, аммо бу ҳақиқат.

Оддий фрилансерлар фаолиятига чек қўйилади, деган саволга келадиган бўлсак, йўқ. Чунки 3D фрилансерлар ўз-ўзидан ижод қилмайди, чизилган моделларнигина 3D моделга айлантириб беради. Бир сўз билан айтганда, уларнинг иши ижодкор дизайнерлар билан ҳамбарчас бўлиқ!

– Бир донга 3D модел ясаш учун қанча вақтингиз кетади? Шу моделингиз сотилиш эҳтимоли қанча ва қанчагача сизга даромад олиб келиши мумкин?

– Ишнинг мураккаблигига қараб. Баъзи бир моделларни яратишга беш дақиқа етади, баъзиларига эса бир кун ҳам камлик қилади.

– Ана шу 3D форматда ясалган моделларингизни айнан қайси платформалар орқали сотасиз? Соҳага энди кириб келаётган ёшларга қайси платформалардан иш бошлашни тавсия қиласиз?

– Соҳага эндигина кириб келган ёшларимиз ўз моделларини сотишари учун 3ddd.ru с “айти” ни тавсия қиламан. Бу ерда моделингиз модерациядан ўтса бўлди, сотувга чиқиб кетаверади.

– Телеграм каналингиздаги “Дунёдаги энг бой инсонларнинг 20 фоизини IT мутахассислари ташкил этади”, деган постингиз остига, “айти” да пул кўп, азизлар, дея шахсий изоҳ ҳам қолдирган экансиз...

– Тўғри, аммо фрилансер сифатида фаолият юритишни истаган ёшлар бирданига юқори даромад топа олмайди. Чунки бу ерда сизга ойлик тўланмайди. Лекин бошланишига сабр билан ўз устида ишлашдан қарчамайидиган ёшларимиз учун бугунги кунда “айти” оламида имкониятлар талайгина. Айниқса, тенгдошлари тиктоқда беҳуда вақт ўтказибётган бир пайтда, ўз соҳасининг профессионали бўлган ёшлар фрилансерликдан чексиз даромад топишлари мумкин!

Эъзога ТУРҲУНОВА суҳбатлашди

<p>Xabar</p> <p>MUASSIS:</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>		<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p> <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>MANZILIMIZ:</p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori).</p> <p>Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Usmonjon YO'LDOSHEV.</p>	
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>		<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>		<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi 41-uy.</p>	
<p>Viloyat muxbirlari:</p>		<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>		<p>Buxoroda (99)854-7305</p>	
<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>		<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>		<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>	
<p>Nukusda 554-35-45</p>		<p>Samarqandda (91)557-84-44</p>		<p>Termizda (99)508-30-52</p>	
<p>Toshkentda 234-18-59</p>		<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>		<p>Farg'onada (73) 244-18-05</p>	
<p>Qarshida (93)931-08-99</p>		<p>ISSN 2010-6424</p>		<p>Bosishga topshirildi — 17^{oo} Bosishga topshirish vaqti — 24^{oo}</p>	